

ISSN 2181 - 7286

1/2024

# ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ИЖТИМОИЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАР



ISSN 2181-7286

1/2024

# **Таълим тизимида ижтимоий-гуманитар фанлар**

**Тошкент – 2024**

## МУНДАРИЖА

### ПЕДАГОГИКА ВА ПСИХОЛОГИЯ

|                                                                                                                                                                          |            |
|--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|------------|
| <b>Karimova N.A., Egamnazarov A.N.</b> Taqdimot yaratishning zamonaviy vositalari.....                                                                                   | <b>6</b>   |
| <b>Sagatov M.V.</b> Вопросы использования модели учащегося в автоматизированных системах обучения.....                                                                   | <b>11</b>  |
| <b>Авлаев О.У.</b> Шахс социал интеллектининг даражавий хусусиятларининг частотали тахлили.....                                                                          | <b>16</b>  |
| <b>Alimova N.S.</b> Ona tili ta'limida zamonaviy texnologiyalardan foydalanish.....                                                                                      | <b>20</b>  |
| <b>Shomirzaev M.X.</b> Talaba-yoshlarni kasb-hunar o'rgatishda oila tarbiyasi.....                                                                                       | <b>25</b>  |
| <b>Равшанова Х.А.</b> Заиф эшитувчи ўспиринларнинг социал интеллект динамикаси.                                                                                          | <b>29</b>  |
| <b>Уралова М.Г.</b> Образовательные парадигмы и модели на современном этапе развития общества.....                                                                       | <b>34</b>  |
| <b>Sharipova Sh.X.</b> Turizm madaniyatining mazmun va mohiyati.....                                                                                                     | <b>38</b>  |
| <b>Abaskhanova K.Y.</b> Use of innovative technologies in teaching the science of programmable digital devices.....                                                      | <b>42</b>  |
| <b>Kudratxodjayeva N.A., Usmonova Z.N.</b> Asar mutolaasida didaktik tahlil usulining ahamiyati.....                                                                     | <b>45</b>  |
| <b>Mardov S.X.</b> Grafik ta'lim jarayonida talabalar fazoviy tasavvurini dizayn fikrlash va grafik dasturlar asosida rivojlantirish metodikasini takomillashtirish..... | <b>50</b>  |
| <b>Рахманова Д.У.</b> Педагогик технологиялар - талабалар интеллектини оптималлаштириш омили сифатида.....                                                               | <b>56</b>  |
| <b>Miraxmedov J.M.</b> Milliy ma'naviyatning shakllanishida tarixiy ong omilli.....                                                                                      | <b>61</b>  |
| <b>Цагараева О.Б.</b> Дискурсивный потенциал фразеологических единиц, формирующих развитие интеллекта человека.....                                                      | <b>65</b>  |
| <b>Beknazarova L.S.</b> Ijodiy-innovatsion ta'limning ijtimoiy-psixologik jihatlar.....                                                                                  | <b>70</b>  |
| <b>ИҚТИСОД</b>                                                                                                                                                           |            |
| <b>Нигматова Д., Адилов Б.</b> Развитие информационных технологий — основа финансовых отношений в мире бизнеса.....                                                      | <b>75</b>  |
| <b>Karimov D.M., Adilov B.B.</b> Zamonaviy iqtisodiyotda raqamli texnologiyalar.....                                                                                     | <b>81</b>  |
| <b>Akramova O.Q., Boboyev A.Ch., Muxiddinova N.</b> Hududlarning investitsion jozibadorligiga ta'sir etuvchi omillar.....                                                | <b>90</b>  |
| <b>Bobojonova Z.Sh.</b> Neft va gaz sanoatida ishlab chiqarish resurslaridan tashkiliy-iqtisodiy foydalanishning ilmiy-nazariy asoslari.....                             | <b>95</b>  |
| <b>Jumayev Z.I.</b> Davlat boshqaruv organlarida raqamli texnologiyalarni joriy etishning zamonaviy yo'nalishlari.....                                                   | <b>100</b> |
| <b>Rasulova N.N.</b> Xorijiy investitsiyalarni jalb qilishda hududiy yondashuv.....                                                                                      | <b>106</b> |
| <b>Toshev F.Z.</b> “Yashil iqtisodiyot”ni rivojlantirishda soliq omilidan foydalanish yo'llari.                                                                          | <b>111</b> |
| <b>Абулкасимов Х.П., Муродхўжаева Ф.М.</b> Наманган вилояти саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари.....                                                         | <b>115</b> |
| <b>Базарова Г.Г.</b> Безработица, ее экономические и социальные проблемы и пути решения.....                                                                             | <b>122</b> |
| <b>Эрназаров Г.Б.</b> Ўзбекистоннинг янги иқтисодий ривожланиш даврида хизмат кўрсатиш соҳаси, унинг статистик тахлили ва истиқболлари.....                              | <b>128</b> |
| <b>Корабоев Э.А.</b> Электр энергетика саноати корхоналарининг ташкилий-иқтисодий фаолиятининг кибериктисодий хавфсизлиги тахлили.....                                   | <b>136</b> |

|                                                                                                                                                                      |            |
|----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|------------|
| <b>Мустафоев Г.С.</b> Қишлоқ жойларида хизмат кўрсатиш соҳаси самарадорлигини ошириш орқали қишлоқ аҳолиси ҳаёт фаровонлигини оширишнинг истиқболли йўналишлари..... | <b>143</b> |
| <b>Rashidov R.A.</b> Tadbirkorlik tushunchasining konseptual asoslari.....                                                                                           | <b>151</b> |
| <b>Нажимов И.П.</b> Қорақалпоғистон Республикасида қурилиш материаллари саноати корхоналарини самарали ривожлантириш истиқболлари.....                               | <b>158</b> |
| <b>Худайбердиев О.А.</b> Sanoat 4.0 texnologiyalari: ta'minot zanjirlarida innovatsiyalar drayveri sifatida.....                                                     | <b>163</b> |

Журнал Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан рўйхатга олинган, 2007 йил 22 январь, № 0205 сонли гувоҳнома

ISSN 2181-7286. Иқтисод бўлими ОАК рўйхатига 2019 йил 1 январдан, Педагогика бўлими 2019 йил 29 июндан, Тарих, Фалсафа, Психология бўлимлари 2022 йил 30 ноябрдан, киритилган.

Журнал зарегистрирован Узбекским агентством по печати и информации 22 января 2007 года, свидетельство № 0205

ISSN 2181-7286. С 1 января 2019 г. журнал включен в перечень ВАК экономического отдела, с 29 июня 2019 г. – в перечень отдела педагогики, с 30 ноября 2022 г. – в перечень отделов истории, философии и психологии.

The journal was registered by the Press and Information Agency of Uzbekistan, January 22, 2007, certificate No. 0205

ISSN 2181-7286. The part of of Economy has been included in the list of Higher Attestation Committee since January 1, 2019, the part of Pedagogy since June 29, 2019, and the parts of History, Philosophy, and Psychology since November 30, 2022.

## ШАХС СОЦИАЛ ИНТЕЛЛЕКТИНИНГ ДАРАЖАВИЙ ХУСУСИЯТЛАРИНИНГ ЧАСТОТАЛИ ТАҲЛИЛИ

### ЧАСТОТНЫЙ АНАЛИЗ ХАРАКТЕРИСТИК УРОВНЯ ЛИЧНОГО СОЦИАЛЬНОГО ИНТЕЛЛЕКТА

#### FREQUENCY ANALYSIS OF LEVEL CHARACTERISTICS OF PERSONAL SOCIAL INTELLIGENCE

Авляев О.У. (ЧирДПУ доценти, психология фанлари  
бўйича фалсафа доктори (PHD))

Мазкур мақола мазмуни шахс социал интеллектнинг даражавий хусусиятларини частотали таҳлиliga қаратилган. Бунда социал интеллектнинг ўртачадан қуйи даражаси - инсон хулқ-атворини англашга ўртачадан паст қобилиятлилик, социал интеллектнинг ўртача меъёрадаги даражаси - инсон хулқ-атворини ўртачадан меъёрадаги қобилиятлилик, социал интеллектнинг ўртачадан юқори даражаси - шахснинг хулқ-атворини англашга ўртачадан юқори қобилиятлилик, социал интеллектнинг юқори даражаси — инсон хулқ-атворини англашга юқори қобилиятлилик эканлиги аниқланган ва психологик таҳлил амалга оширилган.

**Калит сўзлар.** шахс, социал интеллект, социал интеллектнинг қуйи, ўрта, юқори даражалари, қобилият, социал интеллект функциялари.

Содержание данной статьи сосредоточено на частотном анализе уровневых характеристик социального интеллекта человека. Уровень социального интеллекта ниже среднего - способность понимать поведение человека ниже среднего, средний уровень социального интеллекта - способность понимать поведение человека выше среднего, уровень социального интеллекта выше среднего - способность понимать поведение человека выше среднего, высокий уровень социального интеллекта - определена высокая способность понимать поведение человека и проведен психологический анализ.

**Ключевые слова:** личность, социальный интеллект, низший, средний, высший уровни социального интеллекта, способности, функции социального интеллекта.

The content of this article is focused on frequency analysis of the level characteristics of human social intelligence. Below average level of social intelligence - the ability to understand human behavior below average, average level of social intelligence - the ability to understand human behavior above average, above average level of social intelligence - the ability to understand human behavior above average, high level of social intelligence - a high ability to understand human behavior and A psychological analysis was carried out.

**Key words:** personality, social intelligence, lower, middle, higher levels of social intelligence, abilities, functions of social intelligence.

Инсон фаолиятида унинг эҳтиёжлари бир томондан, маданият ёрдамида детерминацияланган (унинг инсонга замондош бўлган ижтимоий контекстида),

бошқа томондан эса – бу эҳтиёжларнинг ўзи ижтимоий-маданий ҳудудни шакллантиради (А. Маслоунинг “инсон эҳтиёжлари назариясида”). Инсоннинг камолотида ўз потенциал қобилиятларини рўёбга чиқариш жараёни инсоннинг ўз-ўзини ифодалаши ёки шахснинг ифодаланиши деб аталади. Инсоннинг социумда ўз-ўзини ифодалаши инсоннинг ўз қобилиятларини меҳнат бозорида тўлақонли “амалга ошириш” имкониятини, ўзининг меҳнатга бўлган қобилияти – жамиятнинг ишлаб чиқариш кучига эквивалентни амалга оширишни назарда тутди. Социал интеллект шахснинг хулқини социумда бошқарувчи феноменлар билан энг бевосита алоқага эга. Социал интеллект муаммоси битта умумий қобилиятга устуворлик берувчи бир омилли назариялар доирасида ҳам, интеллектни бир нечта мустақил қобилиятларнинг йиғиндиси сифатида кўриб чиқадиган кўп омилли назариялар доирасида ҳам кўриб чиқилган. Тадқиқотчилар энг бой назарияларни “Гибрид назариялар” деб ҳисоблашади. Уларга мувофиқ социал интеллект умумий қобилият ва бир қатор махсус қобилиятлардан ташкил топади[1]. Социал интеллект бир вақтнинг ўзида когнитив қобилият ва ижтимоий қобилият ҳамда шахснинг фазилати ҳамдир, шунинг учун ҳам унинг ривожланиши анча мураккаб вазифа. Биринчи навбатда мазкур вазифанинг мураккаблиги социал интеллект параметрларнинг йиғиндиси эканлиги билан боғлиқ, унинг структурасидаги алоҳида компонентларнинг ривожланиши умуман социал интеллектнинг ривожланишига олиб келиши шарт эмас[2].

Ижтимоий интеллект – кўп ўлчамли, мураккаб структура бўлиб, қуйидаги жиҳатларга эга:

1. Коммуникатив-шахсий салоҳият – мулоқотни енгиллаштирадиган ёки қийинлаштирадиган хусусиятлар мажмуаси бўлиб, унинг асосида психологик контактлилиқ ва коммуникатив мослик сингари интеграл коммуникатив хусусиятлар ётади, бу – ижтимоий интеллектнинг асосий ўзаги.

2. Ўз-ўзини англаш характеристикаси – ўзини ҳурмат қилиш ҳисси, комплекслардан, хурофотлардан, бостирилган импульслардан холи бўлиш, янги ғояларга очиклик.

3. Ижтимоий перцепция, ижтимоий тафаккур[3], ижтимоий хаёл, ижтимоий тасаввур, инсонларни ва уларни ҳаракатга келтирувчи сабабларни ижтимоий ҳодисаларни тушуниш ва моделлаштириш қобилияти.

4. Энергетик характеристикалар: рухий ва жисмоний чидамлилиқ, фаоллик, диққат, хотира, тафаккур, нутқ жараёнларида сезиларсиз даражада кучдан қолиш [1-2].

Ижтимоий интеллектда шахсий чекловлар катта аҳамиятга эга, унда шахсга оид таркибий қисмлар етарлича кўп. Ижтимоий интеллект – глобал қобилият бўлиб, интеллектуал, шахсий, коммуникатив ва хулқ фазилатларининг мажмуаси негизида пайдо бўлади, ўзини ўзи бошқариш жараёнларининг энергетик таъминланганлигини ўз ичига олади; бу фазилатлар шахслараро вазиятларнинг ривожланишини башорат қилишнинг, хулқ ҳақидаги ахборотни талқин қилишнинг, ижтимоий ўзаро ҳаракат қилишга тайёрликнинг шартидир.

Ижтимоий интеллектнинг асосий функциялари:

- ўзгараётган шароитларда адекватлик ва мослашишни таъминлаш;
- тактик ва стратегик йўналишларда жорий вазифаларни бажариш муваффақиятли ўзаро ҳаракатнинг дастур ва режаларини шакллантириш;
- шахслараро ҳодиса ва муносабатларни режалаштириш, уларнинг ривожланишини башорат қилиш;

- мотивацияларни ҳосил қилиш ва асослаш;
- тўсатдан рўй берадиган кризисларни, узоқ вақт давом этадиган стресслар, ўзини ўзи ҳурмат қилишига таҳдид соладиган вазиятларни енгиб ўтишга кўмаклашадиган сафарбар қилиш функцияси;
- ижтимоий компетентликни кенгайтириш;
- ўзини ўзи ривожлантириш, ўзини англаш, мустақил ўқиш[4-5].

Социал интеллект тадқиқотини амалга оширишда асосий муаммоларни ажратиш ва уларнинг аҳамияти даражасини аниқлаш ниҳоятда қийин бўлиб туюлади. Бу, бизнингча ушбу муаммолар ўзаро боғлиқ бўлиб, уларнинг бирлари бошқаларининг пайдо бўлиши учун манба бўлиши, шу сабабли “муаммоли доира” мунтазам кенгайиб бориши ва муаммоларни тизимлаштириш имкониятларини камайитиришдан иборат. Ҳар турли руҳий ҳодисаларни ўрганишда кўплаб тадқиқотчилар шунга ўхшаш вазиятга дуч келишади. Бу ижтимоий соҳанинг ўзига хос мураккаблиги ва энг кўп детерминацияланганлиги, чунки унда шахс ички дунёсининг мураккаблиги ва уни ўраб турган ижтимоий дунёнинг мураккаблиги бирлашиши билан боғлиқ[5]. Тадқиқотнинг назарий-методологик масалалари таҳлил этилганда жаҳон психологиясида социал интеллектнинг туб моҳияти ўзига хос таҳлил этилганлигини гувоҳи бўлинди. Социал интеллект ва шахс камолоти ўртасидаги муносабатлар масласи эса янги эмпирик тадқиқотга зарурат туғдиради. Мазкур муаммонинг Ватанимиз олимлари томонидан кам ўрганилганлиги ҳамда инсонинг шахс сифатида камолотида социал интеллектнинг психологик хусусиятлари тадқиқ этишга алоҳида эътибор қаратишни лозим топдик. Мазкур масалани таҳлил этишда мамлакатимиздаги тадқиқотларда қўлланилган Дж.Гильфорд ва М. Салливанларнинг “Социал интеллект” тестида фойдаланилди. Тадқиқотда дастлаб шахсларнинг социал интеллектининг умумий даражавий хусусиятини аниқлашга эътибор қаратилди. Тадқиқотда жалб этилган тадқиқот объектларининг жинс, ёш, фаолият йўналиши (ўқув ва касбий) фаолиятига кўра таҳлил этишга эътибор қаратилди. Тадқиқотдан олинган микдорий натижаларни таҳлилида статистик усулларга алоҳида эътибор қаратилди (IBM SPSS 22- версияси). Методика натижасида дастлаб иштирокчиларнинг социал интеллектнинг даражавий хусусиятлари методика меъёрларига кўра частотали таҳлилини амалга оширилди. Тадқиқот объектларининг даражавий хусусиятига кўра социал интеллектнинг умумий таҳлили куйидаги 1-жадвалда келтирилган.

Шахсларнинг социал интеллектнинг умумий даражасини изоҳлашда методиканинг меъёрий кўрсаткичларига сўзсиз таянилди. Социал интеллект даражаси куйидаги мезонларга кўра ажратилди:

- 1-балл – паст социал интеллект;
- 2-балл – ўртачадан паст социал интеллект (ўртача кучсиз);
- 3-балл – ўртача социал интеллект (меъёр);
- 4-балл – ўртачадан юқори социал интеллект (ўртача кучли );
- 5-балл – юқори социал интеллект.

Ушбу мезонларнинг мазмуний кўрсаткичлари мавжуд.

Энг қуйи даража инсон хулқ-атворини паст англашга қобилятлилик экан.

Социал интеллектнинг ўртачадан қуйи даражаси инсон хулқ-атворини англашга ўртачадан паст қобилятлиликни англатади; социал интеллектнинг ўртача меъёрдаги даражаси инсон хулқ-атворини ўртачадан меъёрдаги қобилятини ифодалайди; социал интеллектнинг ўртачадан юқори даражаси шахснинг хулқ-атворини

## ПЕДАГОГИКА ВА ПСИХОЛОГИЯ

англашга ўртачадан юқори қобилиятлиликдан далолат беради; социал интеллектнинг юқори даражаси – инсон хулқ-атворини англашга юқори қобилиятлиликни тавсифлайди.

1-жадвал

### Социал интеллектнинг даражавий хусусиятларининг частотали таҳлил кўрсаткичлари

| Даражалар                                     | Частота | Фоизли улуши |
|-----------------------------------------------|---------|--------------|
| Социал интеллектнинг ўртачадан паст даражаси  | 43      | 7,77         |
| Социал интеллектнинг ўртача даражаси          | 271     | 49.0         |
| Социал интеллектнинг ўртачадан юқори даражаси | 207     | 37,43        |
| Социал интеллектнинг юқори даражаси           | 32      | 5.8          |
| Жами                                          | 553     | 100.0        |

Тадқиқотда иштирок этган синалувчиларнинг социал интеллекти даражаси куйидагича кўриниш олди, яъни социал интеллектнинг куйи даражаси 7,77 фоиз ташкил этди. Синалувчилар ичидан инсонларнинг хулқ-атворини тушунишда доимий равишда ва мутлақо қийналадиганлар. Одамлар тушунишда ва ўзларига дўст, ўртоқ танлашда ва ҳатто бошқалар билан муносабатга киришишда қийналадиганлар ҳисобланди. Тадқиқотда иштирок этган синалувчиларнинг 49 фоизи (271 нафари) эса ўртача даражадагилар ташкил этди. Бу эса ҳаётда шундай тоифа инсонлар борки, улар атрофдагилар билан муносабатда киришади, танишлари мавжуд, аммо чекланган даражада. Улар атрофдагиларнинг хулқ-автори, хатти-ҳаракатлари, гап-сўлари ва экспрессиялари, мимикаларини фарқлаш имкониятига эгадирлар. Кўп ҳолларда эса инсонларнинг фарқлай олмайдилар. Инсонларни тушунда қийналадилар ва бошқаларга муносабатларида кўполликка ва комплиментларни қўллай олмайдилар.

Навбатдаги даража эса синалувчиларнинг социал интеллектининг ўртачадан юқори даражасини белгилайди. Ушбу даражадаги синалувчиларнинг социал интеллекти 37,43 фоиз (207 нафар)ни ташкил этмоқда. Бу тоифа социал интеллектли синалувчиларда дўстлар давраси кенгрок, одамларни бир биридан фарқлаш, уларнинг хатти-ҳаракатлари ва муносабат услубларига кўра хусусиятлари баҳолаш имкониятига эгаликларини кўрсатиб бермоқда. Шу сабабли мазкур тоифас шахслар социал муҳитга мослашувчан, инсонлар билан муносабатда конструктив фикрга эга, доимий ва тизимли ёндашув хусусиятига эга.

- Социал интеллект даражаси куйи бўлган одамларда фикрларни тушуниш қобилияти ва суҳбатдошнинг оғзаки бўлмаган хатти-ҳаракатлари ўртасида салбий боғлиқлик мавжуд. Бу эса суҳбатдошни тушуниш қийинлашади. Бундан ташқари, улар шахслараро ўзаро муносабатларда қийинчиликларга дуч келишади.

- Ўртача социал интеллектга эга бўлган шахсларда суҳбатдошнинг фикрларини тушуниш, нутқ ифодасини тушуниш ва шахслараро ўзаро таъсир ўртасида ижобий боғлиқлик мавжуд. Шунингдек, ушбу тоифадаги шахслар оғзаки бўлмаган хатти-ҳаракатларни тушуниш қобилиятини биринчи ўринга қўйишади, аммо бу оғзаки ифодани ва шахслараро ўзаро таъсирни тушуниш қобилиятини пасайишига олиб келиши мумкин. Аммо, улар мулоқот жараёнида зарур воситалардан, яъни сўзларига эмоционал тон бера олади, интонация, кези келганда суҳбатда ўзининг таъсир кучига эга. Ушбу мазмунга мос равишда “Вербал экспрессияни тушуниш” қобилиятини

ривожлантиришлари ҳисобида “Шахслараро ўзаро таъсир” қобилиятларини ўстиришга эришганлар.

• Социал интеллект даражаси юқори бўлган шахсларда суҳбатдошнинг фикрларини тушуниш, оғзаки бўлмаган ва оғзаки ифодани тушуниш, шунингдек, шахслараро ўзаро таъсир ўртасида ижобий боғлиқлик мавжуд. Бу уларнинг бошқа одамларнинг хатти-ҳаракатлари ва реакцияларини олдиндан айтишга қодирлигини кўрсатади, бу уларга ўзаро муносабатларни самарали бошқариш имконини беради. Бундай шахсларнинг ўзига хос хусусияти оғзаки ифодани тушуниш қобилиятидир, бу уларни турли одамлар билан мулоқот қилишда янада муваффақиятли қилади. Шундай қилиб, турли даражадаги социал интеллектга эга одамлар шахслараро муносабатлар соҳасида турли қобилият ва устуворликларга эга бўлиши мумкин.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Авлаев, О. У., & Маматкулова, З. Г. (2019). Динамика межличностного отношения компонентов социального интеллекта студентов. Наука и образование сегодня, (12), 67-71.
2. Авлаев, О. У. (2023). Шахс камолотида социал интеллектни ривожлантиришнинг тетра аспекти модели: Авлаев Ориф Умирович-Чирчиқ давлат педагогика университети, психология кафедраси доценти, психология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD. Образование и инновационные исследования международный научно-методический журнал, (8), 307-312.
3. Мамардашвили М.К. Форма и социальн мышления / М.К. Мамардашвили.– М., 1968. – 380 с.
4. Ушаков Д.В. Социальный интеллект как вид интеллекта // Социальный интеллект: Теория, измерение, исследования. М.: Изд-во Ин-та психологии РАН, 2004. С. 11–28.
5. Ушаков Д.В., Журавлев А.Л. Образование и конкурентоспособность нации: психологические аспекты // Психологический журнал. 2009. Т. 30. № 1. С. 5–13

UDK:004.85

### ONA TILI TA'LIMIDA ZAMONAVIY TEXNOLOGIYALARDAN FOYDALANISH

### ИСПОЛЬЗОВАНИЕ СОВРЕМЕННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ В ОБУЧЕНИИ РОДНОМУ ЯЗЫКУ

### USING MODERN TECHNOLOGIES IN TEACHING YOUR NATIVE LANGUAGE

Alimova N.S. (TAQU, dotsenti v.b.)

Ushbu maqolada muallif ona tili ta'limida zamonaviy texnologiyalardan foydalanib o'qitish metodikasining asosiy maqsadi til imkoniyatlaridan to'g'ri, aniq, o'rinli va unumli foydalanish ko'nikma va malakalarini hosil qilish: mantiqiy-ijodiy tafakkurni rivojlantirish; kommunikativ savodxonlikni oshirish; tarbiyani shakllantirish; talaba shaxsini ma'naviy va zamonaviy shakllantirishni ko'rsatib o'tgan.